# Тошкент оқшоми

2012 йил 2 май, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (12.148)

Баҳоси эркин нархда


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари – элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди.***

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий сиёсатда муҳим ўрин тутадиган, улкан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ислом Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриклаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга асос бўлган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган.

2011 йилнинг январь ойида Брюсселда бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокара ва унинг якунлари юзасидан имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли мулоқотларга янги суръат бахш этди.

Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда Европа инвесторлари иштирокида тузилган 840 дан зиёд корхона ўзаро манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатмоқда, ЕИга аъзо мамлакатларнинг қарийб 270 етакчи компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган. 2011 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан умумий савдоси ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Норбер Жустен самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

**(ЎзА)**



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

## СПОРТ ИНШООТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***Йирик шаҳарларнинг кўпайиши натижасида меъморчиликни табиат билан уйғун ҳолда ривожлантириш, шаҳарларнинг меъморий қиёфасини шакллантириш, ҳудудлар, айниқса аҳоли дам оладиган жойларни ободонлаштиришда мавжуд ландшафтдан самарали фойдаланиш масалалари янада долзарб аҳамият касб этмоқда.***

Реконструкция ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Айни пайтда шаҳар қурилиши ва коммунал хўжалиги ҳам такомиллашмоқда. Айниқса, спорт иншоотлари барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун одамларга шарт-шароит яратиб бериш – Президентимиз Ислом Каримов илгари сурган муҳим вазифалардандир.

Бундан бир неча йил муқаддам жойлардаги спорт майдонлари ташландиқ аҳволда ётар, ҳатто оддий талабларга ҳам жавоб бермасди. Бугун вазият мутлақо ижобий томонга ўзгармоқда. Пойтахтимизда оммавий равишда спорт майдончалари қурилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, туман ҳокимликлари томонидан спорт майдончалари, спорт-соғломлаштириш зоналари барпо этиш, ҳудудларни ободонлаштириш учун 200 дан ортиқ ер участкаси ажратилган. Ҳозир бу ерлар жадал ўзлаштирилмоқда. Мазкур ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади, ажратиладиган ер майдонлари кенгаяди ва бунинг натажасида пойтахтимиздаги бўш ётган ерлардан унумли фойдаланиш имконияти яратилади. Бундай лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётир.

*(Давоми 4-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда «Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти» мавзуида конференция ўтказилди.**

**● Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Наманган ҳудудий бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида Наманган вилояти вакилларининг иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Андижонда «Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили» мавзуида дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари фаоллари, турли миллат ва элатлар вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ёшлар иштирок этди.**

**● Кегайли туманида икки қаватли турар жой биноси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, 16 та ёш оилага туҳфа қилинди. Замонавий қиёфа касб этган мазкур иншоотда барча шарт-шароит яратилган.**

**● Жорий йилда мамлакатимизда ўзбек футболининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасида Футбол ҳафталиги ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида АҚШ ва Афғонистон ўртасида ҳарбий амалиётлардан кейин ёрдам кўрсатилиши юзасидан битим имзоланди.**

**● Кеча Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳридаги Европа Иттифоқи ваколатхонаси ёнида портлаш содир этилди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабрланмади.**

**● Ҳиндистоннинг Ассам штатидаги Брахмапутра дарёсида кема ҳалокатга учраши оқибатида 105 киши ҳалок бўлди, юзга яқин одам бедарак йўқолди. Полициячиларнинг сўзларига кўра, паром бортида тахминан 250 йўловчи бўлган, улардан фақат эллик нафари омон қолган. Хабарларга қараганда, Дхубри шаҳри томон сузаётган кема ноқулай об-ҳаво шароити туфайли тўнтарилиб кетган.**

**● Японияда энг кекса одам деб ҳисобланаётган Д.Химура 115 ёшга тўлди. У туғилган кунини оила аъзолари даврасида нишонлади. Узоқ умр кўриш хусусида Химуранинг сўзларига кўра, у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди ва умид билан яшашга ҳаракат қилади. Бунинг устига у доимо янгиликка интилади. Ҳозир 115 ёшли Дюрама Химура инглиз тилини ўрганяпти.**

**● АҚШнинг «Apple» компанияси ўзининг смартфон телефонлари савдоси бўйича рекорд кўрсаткични ўрнатди. Жорий йилнинг январь-март ойларида мазкур компания 35 миллион дона мобиль телефон ва 11,8 миллион дона iPad планшетларини сотган. Компания вакилларининг айтишича, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Бундай харидоргир замонавий технологиялар «Apple»га 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирди.**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## КАТТА АВЛОД ҲАЁТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

***Халқимиз кекса авлод вакиллари, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини чуқур ҳурмат қилади, эъзозлайди ва улар билан ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида қилинаётган ишлар кўлами Хотира ва қадрлаш куни арафасида янада кенгаяди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.***

Пойтахтимизнинг Миробод туманида истиқомат қилаётган Халил ота Жалилов ҳам машаққатли уруш даврида олий маълумотга эга бўлиб, фронтга тайёр мутахассис бўлиб кетганлардан бири. Унинг тиббиёт соҳасидаги билим ва кўникмалари нафақат фронтда, балки урушдан кейинги йилларда ҳам одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини асрашда кўп асқотди. Отахон Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги қишлоқларнинг бирида жойлашган тиббиёт пункти, вилоят шифохонаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг турли тузилмалари ва бошқа муассасаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида қутлуғ 90 ёшини қарши олган Халил отанинг умумий иш стажи 55 йилни ташкил этади. У нуроний ёшга етганига қарамай, 2001 йилгача дастлаб Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасида, сўнгра Ўзбекистон врачлар уюшмасида ишлади ва бу ерда ёшларга ўзининг бой тажрибасини ўргатди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан отахон «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ҳозир у меҳр ва эътибор оғушида кексалик гаштини сурмоқда. Шундай бўлса-да, унинг уйи ҳар доим меҳмонлар билан гавжум: кимдир собиқ ҳамкасбини йўқлаш, яна кимдир маслаҳат сўраш, дилдан суҳбатлашиш учун келади.

– Ёш ўтган сари одам яшаб ўтган умрини сарҳисоб қиларкан, – дейди Халил ота. – Ўзингга «Умрим давомида қандай хайрли ишларни қилдим? Одамларга нафим тегдими?» деган саволларни берarkансан. Болалигимдан жарроҳ бўлишни орзу қилардим ва шу касбни танладим, доимо одамларга ёрдам беришга интилдим. Ёшларга шуни айтмоқчиманки, севган касбингиз билан астойдил шуғулланинг, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, хорижий тилларни ўрганишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун истиқлолимиз шарофати билан барча зарур имкониятлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, Халил ота мамлакатимизда рўй бераётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан яхши хабардор. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилингани унга катта қувонч бағишлади. Чунки болалигидаёқ ота-онасидан ажраган, кўплаб азоб-уқубатлар ва қийинчиликларни бошдан кечирган отахон ҳар бир одам ҳаётида оила, яқин қариндошлар нечоғли муҳим ўрин тутишини ҳаммадан ҳам яхши билади.

– Шундай дориломон кунларга етганимдан ниҳоятда бахтиёрман, – дейди ЎзА мухбирига Халил ота. – Мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаёт ҳукм сурмоқда, оилалар фаровонлиги ошмоқда, ёшлар ҳар томонлама баркамол voяга етмоқда. Юртбошимиз томонидан биз, фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан бениҳоя мамнунмиз.

**С.ТОЖИЕВ**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** саратон билан касалланган аёлларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатида тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, шифокорлар, психологлар иштирок этди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оилавий спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи ўтказилади.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, бўш вақтларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилиш борасида «Камолот» ЁИҲ томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги 116-умумтаълим мактабида анъанавий «Билимлар беллашуви» синовларининг республика босқичи ўтказилди.

Битирувчи — 2012

# КАСБ ТАНЛАШ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

***Навбатдаги ўқув йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Шу кунларда умумтаълим мактаблари битирувчилари қайси касбни танлаш, қандай коллеж ёки академик лицейга ўқишга кириш масалаларини илк бор мустақил равишда ҳал этишлари керак. Бунда ҳар томонлама чуқур ўйлаб бир қарорга келиш муҳимдир. Барча мактабларда кенг кўламда олиб борилаётган касбга йўналтириш ишлари ана шу мақсадга қаратилган.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қанчалик самарали ва мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Мамлакатимизда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни ўз ичига олган ўн икки йиллик таълим тизими ўз самарасини бераётир.

– Туманимиздаги мавжуд йигирма еттита мактабнинг йигирма тўрттаси тўққиз йиллик умумтаълим мактабларидир, – дейди Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш бўлими мудири Ш.Бурҳонов. – Бу йил ушбу мактабларни 3240 нафар ўқувчи тамомлайди ва улар касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда ўқишни давом эттиради. Бизнинг вазифамиз эса уларга ўқув юртини ва келажакдаги ўз касбини тўғри танлашга кўмаклашишдан иборат.

Барча 9-синф ўқувчилари шахсий фазилатлар ва қизиқишлар бўйича тест синовларидан ўтади. Барча мактабларда йилига уч марта ўтказиладиган сўровлар давомида улар келгусида қандай касбни эгаллашини, қайси лицей ёки коллежда ўқишини ва бунинг заҳира вариантини аниқ белгилаб олиши керак. Сўровда олинган натижалар мутахассислар томонидан таҳлил қилинади.

Тумандаги мактабларда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли болалар ташкилотлари ва ўқувчилар иштирокида ота-оналар мажлислари ўтказилмоқда.

Мазкур туманда деярли барча касбларни эгаллаш мумкин бўлган еттита касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар 3500 нафар йигит-қизни қабул қилишга тайёр. Бу эса мактабларни битирадиган 3240 нафар ўқувчининг касб эгаллаш бўйича талабига тўлиқ мос келади.

Ҳар йили пойтахтимиздаги 118 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг рейтинги тузилиб, мактаб битирувчилари уларнинг қайси бирида кўпроқ ўқишни исташи аниқланади. Бундай нуфузли ўқув юртларига ўқишга тест натижалари, бошқаларига эса суҳбат асосида қабул қилинади. Шуниси эътиборлики, ўтган йили бундай коллеж ва лицейлар сони 24 тадан 34 тага кўпайди ва бу ёшларнинг ўқишга интилиши кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ўқувчилар мазкур ўқув юртларига ташриф буюриб, бу ерда ўргатиладиган касблар, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқдалар. Энг муҳими, ёшлар ўқув муассасасига унинг ташқи кўриниши ёки спорт зали борйўқлигига қараб баҳо бермасдан, ўзи мазкур касбга ҳақиқатан ҳам қизиқадими, бунинг учун керакли лаёқат ва қобилияти борми – шуларни тушуниб етиши керак.

Бу борада ҳар ой бўйича маълум бир ўқиш ва касб йўналишини ўз ичига олган жадвал тузилмоқда. Жумладан, транспорт, коммунал хўжалик ва иқтисодиёт ойликлари ўтказилиб, ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, ўқув йили охирида ҳар бир ўқувчига психолог, мактаб шифокори ва касбга йўналтирувчи мутахассиснинг қайси касбни танлаш кўпроқ маъқуллиги тўғрисидаги хулосалари натижаларига асосланган тавсиялар берилади. Ўтган йили 9-синф битирувчиларининг аксарияти шундай тавсияларга амал қилгани аниқланди.

– Бугунги кунда мактабимизда 1252 нафар ўғил-қиз билим олмоқда, – дейди ЎзА мухбирига 104-умумтаълим мактаби директори Адиба Каримова. – Уларнинг 157 нафари бу йил мактабни тамомлаб, танлаган йўналиши ва касби бўйича ўқишни давом эттиради. Касбга йўналтирувчи мутахассис юқори синф ўқувчилари билан тушунтириш ишлари ўтказмоқда. Ўқувчиларимиз учун экскурсиялар ва «Очиқ эшиклар» кунларини ташкил этаётган 30 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей билан шартномалар тузилди. Яқинда тумандаги политехника касб-ҳунар коллежида бўлдик ва бу ердаги замонавий ускуналар ҳамда техника ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

– Мен Тошкент коммунал-қурилиш коллежини танладим ва келажакда архитектор касбини эгалламоқчиман, – дейди 9-синф ўқувчиси Атхам Зокиров. – Аввал ушбу коллежга келиб, унинг ишлаб чиқариш устахоналарини кўздан кечирдим, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Шу касбни танлаб, тўғри қарор қабул қилдим, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари таълим бериш бўйича катта имкониятларга эга. Уларда кўплаб касбларни юқори даражада эгаллаш мумкин. Зеро, мактаб битирувчиларининг ўз танлаган йўналишидан қониқиш ҳосил қилиши нафақат ўқувчи ва унинг ота-онаси, балки касбга йўналтириш ишлари самарасига ҳам боғлиқдир.

**Р.БОНДАРЧУК**

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

***Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доира вакиллари делегацияси ўртасида ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.***

Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея политехника университети қошидаги Корея-Евроосиё Саноат ва технологик ҳамкорлик маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда экологик технологиялар, пластика, автоқисмлар, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи йирик компания раҳбарлари иштирок этди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Корея ишбилармон доира вакиллари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишдан иборат.

Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар йилдан йилга ошмоқда. Биргина ўтган йилда давлатлар ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 1628 миллион АҚШ долларини ташкил этди, шундан экспорт 142,4 миллион, импорт эса 1485,6 миллион АҚШ долларига етди. Бугунги кунда мамлакатимизда Корея инвестициялари иштирокида 359 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан савдо-сотиқ, тоғ-металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, уй-коммунал хўжалиги, тиббиёт, туризм хизматларини кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигида Кореянинг 84 та фирма ва компаниялари аккредитациядан ўтган.

Мазкур ташриф доирасида икки давлат ишбилармон доира вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

# ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари, тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев олиб борди.

Унда, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2012 йил 14 мартда тегишли қарор қабул қилиниб, ёзги таътил пайтида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда мавжуд 19 та стационар типдаги ҳамда мактаблар қошида ташкил этиладиган 36 та ёзги болалар оромгоҳларида маиший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминотнинг барча тизимлари ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, болалар оромгоҳларига ёндош ҳудудларда содир бўлиши мумкин бўлган табиий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш лозимлиги қатъий таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва уларни дам олишдан кейин олиб келишда транспорт хизмати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, болалар оромгоҳларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, болалар, тарбиячилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур профилактик чора-тадбирларини кўриш белгиланди.

Бундан ташқари болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, оромгоҳларга зарур дори-дармонлар ва тиббий воситаларни етказиб бериш, барча оромгоҳларда болаларнинг яшаш, овқатланиш ва дам олиш жойларига қўйиладиган санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва нормалари устидан кучли назоратни таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Ёзги оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, турли спорт мусобақаларини ўтказиш ва бу орқали болалар спортини оммалаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир қаторда болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш, болалар оромгоҳларини янги мавсумга ҳар томонлама тайёрлаш мақсадида уларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

***Бугунги кунда жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгариш жараёнларининг замирида шу заминда яшаётган барча юртдошларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам эканини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Зеро, мамлакатимизда давлатимиз томонидан кишиларнинг тинч ва фаровон, бахтли, саодатли, мазмунли ва мароқли яшашлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.***

Саховат

# КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Бу борада Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир.

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларда самарали меҳнат қилаётган фуқароларнинг маданий дам олишларини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари томонидан бир қанча дастурли режалар асосида иш олиб борилмоқда.

— Амалга оширилаётган ишларимиз замирида инсонларнинг маданий-маиший ҳаётига янада мазмун бағишлаш, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш вазифалари қамраб олинган, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов. – Бинобарин, бу яратилаётган имкониятлар, меҳнаткашларни қайси соҳада фаолият юритишларидан қатъи назар, ўз ишларига масъулият, меҳр ҳисси билан қарашга ундайди. Биргина апрель ойининг ўзида 1500 нафардан ортиқ фуқароларнинг кўҳна Бухоро шаҳрига зиёратга бориб келишларини ташкил этдик. Эндиликда Самарқанд шаҳрига сафар уюштирмоқчимиз.

Куни кеча, шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан пойтахтимизда корхона, ташкилот, муассасаларда фаолият олиб бораётган 40 нафар кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд хотин-қизлар учун санаторийларга бепул ва имтиёзли йўлланмаларнинг топширилиши ҳам олиб борилаётган хайрли ишларнинг яна бир кўринишидир.

— Мен жуда ҳам хурсандман, — дейди шаҳримиздаги Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Хосият Эгамбердиева. — 20 йилдан буён ушбу ўқув масканида ёшларга тикувчилик сирларини ўргатиб келаман. Коллежимизда 105 нафар малакали ўқитувчи ва мутахассис кадрлар фаолият олиб боради. Шулар ичидан айнан менинг меҳнатларимни муносиб тақдирлаган ҳолда «Турон» санаторийсига бепул йўлланма ажратилиши нур устига нур бўлди. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига ўқув муассасамиз, ўзим ва оила аъзоларим номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.

— Мен ҳам ғоят шодман, — дея суҳбатга қўшилди «Жаҳонгир сервис» корхонаси ишчиси Зулфия опа Мамедова. — Давлатимиз томонидан меҳнаткашларга шунчалар ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, бундан мамнунмиз. Кейинги кунларда соғлиғимдан анча ташвишланаётган эдим. Бу дам олиш йўлланмаси соғлиғимни тиклашда жуда асқотади. Ташкилотчиларга раҳмат.

Мухтасар қилиб айтганда, «Бўстон», «Турон», «Чинобод», «Умид гулшани», «Оқтош», «Чимён» каби дам олиш масканларига ажратилган бепул йўлланмалар хотин-қизларнинг қувончларига янада қувонч қўшди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

***Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Бугунги кунда давлат рўйхатидан ўтган корхоналарнинг 92 фоизи хусусий мақомида бўлиб, уларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 80 фоизи иш билан таъминланган.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида бу алоҳида қайд этилди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчилик базаси яратилгани, бу эса мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётни барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларининг ошишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Айни пайтда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, рухсат бериш тартиб-қоидаларини қисқартириш ва соддалаштириш орқали қулай бизнес-муҳитни шакллантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ўша йили 25 августда қабул қилинган «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатларга биноан ўтган йили тадбиркорларнинг фаолиятига оид эликка яқин, жорий йилда эса юзга яқин рухсат берувчи ҳужжат рўйхатдан чиқарилди. Рухсат беришни соддалаштириш ва янада қисқартириш ишбилармонлик муҳитини яхшилаб, тадбиркорларга янада эркинлик беришда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, экспортга маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш билан боғлиқ барча ҳужжатларни бир вақтнинг ўзида расмийлаштириш имконини берувчи «ягона ойна» тамойили йўлга қўйилгани ортиқча сарф-харажатлар ва вақтни сезиларли равишда қисқартиришга хизмат қилмоқда. Бунда рухсат бериш тартиб-қоидаларини тадбиркорлик фаолиятни юритиш учун зарур бўлган қатъий чекланган рўйхати ва турлари аниқ белгилангани ҳамда қонунда назарда тутилмаган рухсатномаларнинг янги турларини жорий этиш ман қилингани муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган айрим масалаларни ҳал этишга қаратилган таклифлар билдирилди. Тадбиркорлик субъектларини электрон ариза орқали рўйхатга олишни жорий этиш, ташкил этилаётган барча тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган техник талабларни, инвентаризация қилиш билан боғлиқ ҳолатларни қисқартириш масалалари юзасидан фикрлашилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Миллий матбуот марказида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

Унда ўтган ва жорий йилнинг 1 чораги давомида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар ва уларнинг ечими борасида йиғилганларга маълумот берилди. Ўтган давр мобайнида кўриб чиқилган мурожаатлардан 3,5 мингдан ортиғи ижобий ҳал қилинган. Мурожаатларни кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш мақсадида, вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида қисқа рақамли 008 «Ишонч телефонлари» фаолияти йўлга қўйилган.

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар жумладан, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ҳамда инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини белгиланган тартибда ўрганиш ҳамда тегишли чоралар кўриш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилганлиги эътироф этилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида вазирлик томонидан миллий институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фуқаролар билан бевосита учрашувлар ташкил этилаётир. Уларда инсон ҳуқуқлари, шартномавий муносабатлар, тадбиркорликка оид қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда. Адлия вазирлигига меҳнат ва ижтимоий масалалар, нафақа олиш, табиий газ, коммунал тўловлар ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушади. Қўшимча узайтиришсиз аризалар 15 кунда, узайтириш мумкин бўлган аризалар эса 1 ой муддат ичида атрофлича ўрганилиб чиқилади.

Йиғилганларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда суд идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар борасида маълумот берилди.

Журналистларнинг мавзу юзасидан берилган саволларига соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоб берилди.

# WESTERN UNION ЖЎНАТМАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРИФИ

***WESTERN UNION компанияси Ўзбекистондан Хитой Халқ Республикасига пул жўнатмалари юбориш учун янги тарифларни эълон қилди.***

Компаниянинг матбуот хабаридан маълум бўлишича, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши ҳар икки томон ўртасида пул жўнатмалари қамровининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон-Хитой тармоғида айрим диапозонлар учун жўнатма нархлари камайтирилди. Хусусан, 2000 АҚШ долларидан кўп бўлган жўнатмалар учун эндиликда 50 $ ҳақ тўланади.

АҚШ доллари ҳисобидаги пул жўнатмаларига доир янги тариф режалари икки давлат ўртасидаги савдо, таълим ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг фаоллашуви натижасида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1400 ва Хитойда 33 мингдан зиёд ушбу компания пул ўтказиш пунктлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Дунёда WESTERN UNION компаниясининг 495 мингта пул жўнатма хизмати нуқталари мавжуд бўлиб, уларнинг 35 мингтаси МДҲ давлатларида жойлашган.

Ўзбекистонда бу компания 2002 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

**«Туркистон-пресс»**



***Банк тизими — ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан биридир. Унинг мукаммаллиги нафақат иқтисодиётнинг ривожига, балки давлатнинг халқаро майдондаги ҳолатига, фуқароларнинг фаровонлилигига таъсир кўрсатади. Банклар энг кўп даражада тартибга солинадиган ташкилотлар ва муассасалар сирасига киради. Кўп жиҳатдан бу иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири бўлган кредит ташкилотларининг ҳам алоҳида давлатлар, ҳам глобал нуқтаи назардан бизнес учун бўлган аҳамияти билан изоҳланади.***

# ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ҲАМКОР

Ўзбекистоннинг замонавий банк тизими – энг ёш тизимлардандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига кўра банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банклар томонидан юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, молиявий барқарорликни ошириш ҳамда Ўзбекистон банк амалиётига фаолиятни баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизнинг молиявий соҳадаги ютуқлари, жаҳон молиявий инқирози шароитида банк-молия тизими ривожланишининг барқарорлиги давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пухта ўйланганлигидан далолат беради. Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминловчи бош омиллардан бири банк-кредит тизимининг барқарорлиги ҳисобланади. Экспертларнинг баҳосига кўра, мамлакатимизнинг аста-секин ривожланиб бораётган банк соҳаси минтақада етакчилар қаторидан ўрин олиш, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини ва динамик ривожланишини таъминлашга муваффақ бўлди.

Ўз фаолиятида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиорига амал қилувчи республикамиз тижорат банклари банк хизматларини кўрсатишга замонавий ёндашуви билан омонатчилар ишончини қозонишга муваффақ бўлмоқда. Энг муҳими, кун сайин ўзининг бўш маблағларини узоқ муддатли омонатларга қўйишга интилаётган фуқароларнинг сони ортиб бормоқда. Бу эса банкларга бўлган ишонч кучайиб бораётганлигининг энг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг энг жадал ривожланаётган банкларидан бири «Asia Alliance Bank» очиқ акциядорлик-тижорат банкидир. У банк хизматлари бўйича барча асосий бозорларда – кредитлаш, қимматли қоғозлар, пластик карточкалар билан боғлиқ амалиётлар, ҳисоб-китоб-касса хизматларини кўрсатиш, валюта амалиётлари, юридик ва жисмоний шахслар ресурслари бозорларида мустаҳкам мавқега эга бўлмоқда.

Жорий 2012 йилнинг мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Asia Alliance Bank» ОАТБ 2012 йилнинг февралида аҳолига икки турдаги омонатни таклиф қилди, булар: «Оила фаровонлиги» ва «Қулай омонат». «Оила фаровонлиги» омонати бир йил муддатга очилади ва биринчи бадалнинг энг кам миқдори чекланмаган. Омонат бўйича фоизлар йилига 24 фоиз миқдорида белгиланган. Бутун давр мобайнида омонатчи қўшимча бадаллар киритиб бориши мумкин. Фоизлар ҳар чоракда ва омонат муддати тугаганда тўлаб берилади, фоизлар капиталлаштирилмайди.

«Қулай омонат» банк томонидан омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳисобидан коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқилган. Бу омонат тури бўйича фоизлар капитализациясиз йилига 23 фоиз ҳажмида белгиланган. Омонатчи ўз маблағларини банкка 1 йил муддатга қўяди, ўз реквизитларини ва коммунал тўловлар бўйича ойлик тўлов суммасини кўрсатган ҳолда аризани тўлдиради. Фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади ва омонатчининг коммунал хизматлари ҳақини тўлашга ўтказилади. Бу омонатчи учун жуда қулай, чунки ўз пул маблағларининг сақланиб туришига ишончи комил бўлади, айни пайтда ҳар ой банкнинг ўзи ҳисобланган фоизлар эвазига унинг коммунал хизматлари ҳақини тўлаб боради.

Шунингдек, «Asia Alliance Bank» ОАТБ болалар ва ёшлар учун омонат турларини таклиф этади. Масалан, хорижий валютадаги «Болажон» жамғарма омонати (АҚШ доллари ва еврода). Бу омонат тури 1 ёшдан катта болага у 16 ёшга тўлгунча бўлган муддатга очилади. Фоизлар йилига 6 фоиз ҳажмида ҳисобланади ва муддати тугагач, омонт қўйилган валютада тўланади. Боланинг илк ёшида банкка пул маблағларини қўйган мижоз, у 16 ёшга тўлганида омонт муддати тугаганидан сўнг ўқиш ҳақини тўлаш ёки бошқа эҳтиёжларга сарфлаш учун зарур бўлган маблағга эга бўлиши хусусида ташвишланмаса ҳам бўлади.

«Альянс Ёшлик» омонат тури 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун очилади ва омонатчининг 16 ёшигача амал қилади. Омонат бўйича фоизлар 18 фоиз ҳажмида белгиланган.

Фарзандингиз ёки ўзингиз учун бирон нарса харид қилмоқчи ва айни пайтда ўз маблағларингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, «Бахтли Авлод» омонатидан фойдаланишингиз мумкин. Омонатчи ўз пул маблағларини 3 ой муддатга қўяди, унга йилига 24 фоиз ҳажмида фоизлар ҳисобланади ва омонат банкда расмийлаштирилган санада дарҳол уч ой учун бўнак шаклида тўланади. Бошқача айтганда, сиз омонатни расмийлаштирган пайтингизда у бўйича фоизларни оласиз, харидларингизни амалга оширасиз ёки бошқа мақсадларга сарфлайсиз, айни пайтда омонат суммаси сақланиб қолади. Уч ой ўтгач, омонатингизни бутун ҳолда қайтариб оласиз.

2011 йилнинг охирида «Asia Alliance Bank» ОАТБ «Ипотека» жамғарма омонатини жорий этди. У ипотекали кредитлаш бўйича бирламчи бадални шакллантиришни давом эттириш учун маблағ тўплаш мақсадида очилган. Омонатчи ўзининг пул маблағларини 3 йиллик муддатга қўяди, бирламчи бадал чекланмаган, бутун муддат давомида қўшимча бадаллар қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда йилига 14 фоиз ҳажмида капиталлаштирилган ҳолда тўланади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш кераккки, барча омонатлар бўш пул маблағларини ишончли ва фойдали сақлаш усули ҳисобланади.

Аҳоли омонатларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан таъминланади, бу эса давлат томонидан пул маблағларининг қайтарилишини кафолатлайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Asia Alliance Bank» ОАТБ жисмоний шахслар учун кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни мўлжалламоқда. Асосий йўналишларда ёш оилаларга мураккаб маиший техника, мебель ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишга истеъмол кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, истеъмол кредитлари оилаларга хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида ошхона ва маиший техникани харид қилиш учун ажратилади.

Шунингдек, «Asia Alliance Bank» ОАТБ томонидан ёш оилаларга бизнесни ривожлантириш, коллеж битирувчиларига – бирламчи сармояни шакллантириш ва бизнесни йўлга қўйиш, хотин-қизларга – уларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кредит ажратиш мўлжалланмоқда.

Жорий йилда банк ёш оилаларга қонунчиликда белгиланган тартибга келишилган, қурилишга доир белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ, хусусий ёки намунавий лойиҳа асосида қурилган ёки қурилаётган хусусий турар-жойни сотиб олиш, қуриш ёки кўп қаватли турар-жойдан квартира харид қилиш учун ипотека йўли билан кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, ўтган йили умумий қиймати 61,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 58,3 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Жисмоний шахсларнинг истеъмол эҳтиёжлари учун 101,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилган, шундан 13,0 млн.сўм ёш оилаларга берилган. Турар-жой шароитларини яхшилаш учун 482,25 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилган, шундан 270 млн.сўми ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун берилган. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ажратилиши мўлжалланаётган кредитларнинг умумий суммаси 500 миллион сўмдан ортади.

Шуни таъкидлаш зарурки, «Asia Alliance Bank» ОАТБ яқинда бўлиб ўтган «BANKEXPO-2012» Миллий банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари кўргазмасида фаол иштирок этди. Ушбу тадбирда банк ходимлари томонидан кўргазмага ташриф буюрган фуқароларга, ёш оилаларга, оилавий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган банк хизматлари ва ҳ.з.лар ҳақида батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди. Замонавий технологиялар ва молия-банк соҳаси хизматлари, хусусан, Интернет-банкинг, банк томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари, банк ва молия муассасалари учун мўлжалланган ахборот тизимлари, пластик карточкалар билан ишлаш ва унинг афзалликлари ҳақида тўла маълумот берилди.

Банкнинг ривожланиш стратегияси ўзининг банк соҳасидаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Тўғри ишлаб чиқилган стратегия, изчил молиявий сиёсат, бизнесни маданий юритиш қадриятларга содиқлиги туфайли банк ишончли ва барқарор ҳамкор нуфузига эришди. «Asia Alliance Bank» ОАТБ режали равишда фаолият кўламини кенгайтириб бормоқда, молиявий кўрсаткичлари ва банк хизматлари бозоридаги ўз мавқеини яхшиламоқда.

**«Asia Alliance Bank» ОАТБ матбуот хизмати**

## Ўқув муассасаларида

# БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

***Истиқлолга эришганимиздан буён ўтган вақт мобайнида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритдик. Айниқса, таълим соҳасида эришилаётган муваффақиятлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди.***

Айниқса, умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаётган ўқувчи-ёшлар масаласи ва уларни таълимнинг кейинги босқичи — ўрта махсус таълим муассасаларида тўлиқ қамраб олиш борасида олиб борилаётган ишлар мамлакатимизда таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида ҳам иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида, юқори технологиялар асосида билим бериш учун барча шароитлар яратилган. Дарслар юксак технологиялар ва илғор педагогик услублар асосида ташкил этилмоқда. Бу жараёнда ўқувчининг ўз истеъдодини намоён этиши, фанларни чуқур ўзлаштириши, фикрлаш тарзини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жамоамиз олиб бораётган таълим-тарбия ишлари юксак билимли, маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Куни кеча 9-синф битирувчиларини ўрта махсус таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш ишларининг долзарб паллага кирганлиги муносабати билан 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказилди. Унда Республика ташхис маркази дефектология бўлимининг 1-тоифали мутахассислари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, 47-оилавий поликлиника ходимлари, тумандаги қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этиб, битирувчи ўқувчилар саволларига жавоблар бергани ота-оналарнинг ҳам янги маълумотлар билан танишиши учун имконият яратди.

— Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ва узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг қанчалик муҳимлигидан далолатдир, — дейди ташхис маркази дефектология бўлимининг 1-тоифали мутахассиси М. Ҳакимова. —Таълим тизимидаги ўзига хос жиҳатлардан бири унинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлигидир. Ёшлар тўққиз йиллик мактабни тамомлаганларидан сўнг уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ёки лицейларда таълимни давом эттиради. Бундай махсус фан ва соҳаларга йўналтирилган коллежлар ўқувчи-ёшларнинг муайян соҳа, касб-ҳунарга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Ш. Аҳмедов ўзи фаолият юритаётган академик лицейда яратилган шарт-шароитлар, ёшларга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Ўрта махсус таълим муассасалари фаолияти, унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг асосий йўналиши ҳамда бир-биридан фарқли томонларига алоҳида тўхталиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига тушунтиришлар берди.



Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани замирида ҳам ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам. Таълим-тарбия, аввало, оиладан бошланади. Бола мактабга боргунига қадар оилада шаклланади, таълим-тарбия олади. Бунда маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Оила тинчлиги, болалар тарбияси ва уларнинг ўқув муассасаларидаги бандлигини таъминлаш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидандир. Шу сабабли йиғилишда «Қоратош» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси А. Воҳидов мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва уларнинг бажарилиши хусусида йиғилганларга сўзлаб берди.

Қизиқарли ўтган тадбирда умумтаълим мактабларини битириб таълимнинг кейинги босқичида билим олаётган ўқувчи-ёшларнинг ўқишга боришларини мунтазам назоратга олиш ва бўш вақтларини тўғри ташкил этиш масаласи юзасидан ҳам таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**С. ШАРАПОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактаб директори.**
**А. ИСРОИЛОВ,**
**Иқтисод билими асослари фани ўқитувчиси**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «SOVPLASTITAL» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2011 йил 17 октябрдаги йиғилиш қарорига асосан жамиятга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қаъни кўчаси 35 а ва 35 б манзилида жойлашган, умумий майдони 7736,0 кв.м бўлган 4 та бино (Блок-А, Б, В, Г)лардан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** - 4 697 272 883 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе, Ал-Хоразмий ва Франко кўчалари бурчаги, 63-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1782,0 кв.м бўлган «Италфуд» савдо дўкони. **Бошланғич баҳоси** –2 156 505 751 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 21 май куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси-«КМСХ» МЧЖ жойлашган манзил (Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй)да бўлиб ўтади.**

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 18 май куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 21 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 28 май ва 4,11 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 28 майдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 25 май куни соат 18:00; 4 июндаги савдолар учун 1 июнь куни соат 18:00; 11 июндаги савдолар учун 8 июнь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «КМСХ» МЧЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Тел: 228-80-23, 228-84-48. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият.**

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва турар жой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**
**Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.**


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳрида**

Юнусобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳрида**

Сергели туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2012 йил 23 май)

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**

**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 5 майда №002043 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган «SHER SHINAR» (СТИР-301981780) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**








Козим Ўлмасов олган суратлар

***Тошкентда «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони бўлиб ўтди.***

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур спорт-соғломлаштириш тадбирида жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизни кучли, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли генофондини янада соғломлаштириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, ихтисослаштирилган шифо масканларини барпо этиш ва фаолиятини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш масаласи доимий эътиборда. Бу борада «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросида нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси фаолиятида аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини қарор топтириш, аёлларда учрайдиган хавфли хасталикларни эрта аниқлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади. Ҳамкорликда ўтказилаётган ижтимоий акциялар, грант дастурлари, соғломлаштириш-профилактика чоралари ушбу хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Анъанавий «Ҳаёт учун!» форум-марафонидан кўзланган асосий мақсад саратон хасталигига қарши курашишга доир эзгу саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этишдан иборатдир. Форум-марафоннинг дастлабки босқичлари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг «Биз – бир жамоа, биз – бир оила!» акцияси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда юксак савияда ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда аҳоли барча қатламлари, шифокорлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, талаба-ёшлар фаол иштирок этди. Жорий йилги марафоннинг АҚШнинг Сьюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди билан ҳамкорликда ўтказилгани мамлакатимиздаги ижтимоий лойиҳаларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидан далолатдир.

Ижтимоий акция доирасида бу йил биринчи марта «Ҳаёт учун!» хайрия футбол учрашуви бўлиб ўтди. Қизиқарли шоу тарзида ташкил этилган мазкур тадбирдан тушган маблағлар саратонга чалинган аёлларни даволаш, онкологик диспансерларга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Шунингдек, акция доирасида хаста аёлларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди, саратонни бартараф этишда шифокорлар билан бирга психологлар хизматини ҳам кенгроқ йўлга қўйиш истиқболлари белгиланди. Уч йилдан буён мамлакатимизда муваффақиятли ўтказиб келинаётган мазкур хайрия марафони самарасида кўплаб аёллар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Хасталик аломатлари аниқланганлари даволаниб, дори-препаратлар билан таъминланмоқда. Онкологик диспансерларни ультратовушли ташхис ускуналари билан жиҳозлаш, шифокорлар учун хорижлик экспертлар иштирокида малака ошириш машғулотларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# МЕҲР ВА ЭЗГУЛИК АКЦИЯСИ

Тошкент шаҳрида хайрия форум-марафони старт олган жой – Абдулла Қодирий ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган ҳудуд 1 май куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Эзгулик, меҳр-мурувват йўлидаги барча интилишларни бирлаштириш, ўзгалар дардига бефарқ бўлмасликка ундовчи шиорлар, пушти тасмалар, ранг-баранг безаклар билан янада файзли тусга кирган кўчада марафон иштирокчилари саф тортди.

– Баркамол авлоднинг дунёга келиши биринчи галда хотин-қизлар саломатлигига боғлиқ, – дейди «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Орол Отаниёзова. – Жаҳон миқёсида экологик мувозанатнинг бузилиши, стресс ҳолатлари, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, ўз саломатлигига бефарқлик аёллардаги саратон хасталикларига сабаб бўлади. Бу дардга қарши курашиш эса шифокорлар билан бирга кенг жамоатчиликдан ҳам янада фаолликни талаб этади. Ушбу эзгу мақсадга қаратилган марафон Қорақалпоғистонда ҳам муваффақиятли ўтди. Унда аҳолининг кенг қатламлари фаол иштирок этди. Юзлаб аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳатлар берилди.

– Бир неча йил аввал оғир касалликнинг илк аломатлари аниқланганида тушкунлик гирдобида қолдим, – дейди ЎзА мухбирига Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси врачи Зубайда Ҳамидова. – «Ҳаёт учун!» акцияси вакилларининг ёрдами билан юқори малакали тиббий кўрикдан ўтдим, даволандим. Ҳозир яна оилам, фарзандларим билан биргаман, ишлаяпман. Бундай ижтимоий акциялар хотин-қизларнинг саломатлигини асраб-авайлаш, улар ҳақида ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мустаҳкам оила йилида ўтказилган навбатдаги марафонда алоҳида эҳтиёжли ҳамюртларимиз иштирокида «Бирга бўл!» шиори остида ҳам югуриш мусобақалари бўлиб ўтди. Форум-марафоннинг барча қатнашчилари белгиланган 3 километрлик масофани муваффақиятли босиб ўтдилар. Тадбирнинг фаол иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди. Санъат усталари ва ёш хонандалар ижросидаги катта концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА**



Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

# СПОРТ ИНШООТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

...Юнусобод туманининг еттинчи даҳасида жойлашган Қулоқтепа кўчасида яқинда қад ростлаган спорт-соғломлаштириш майдони узоқдан кўзга ташланади. Бунинг сабаби, у йўлга яқин жойлашган бўлиб, барча қулайликларга эгалигидадир. Қолаверса, ушбу спорт-соғломлаштириш майдони техник жиҳозланиши бўйича ҳам барча талабларга жавоб беради ҳамда замонавий қиёфага эга. У атроф-ҳудудининг ободлиги, машиналар тўхташ жойи мавжудлиги билан ҳам одамлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Спорт-соғломлаштириш майдони «Betxvil tech trans» масъулияти чекланган жамиятига қарашли. Мазкур масъулияти чекланган жамият директори Шоҳруҳ Маҳмудовнинг айтишича, дастлаб бу ерда фақат мини-футбол майдонини ташкил қилиш режалаштирилган эди. Туман ҳокимиятига мурожаат қилган ёш тадбиркорга қурилиш олиб бориш учун манфаатли шартлар асосида нисбатан катта ҳудуд таклиф қилинди. Шу сабабли бу ерда баскетбол майдони, теннис корти, жажжи болажонлар ўйнайдиган қумдонлар ҳам пайдо бўлди. Бу ер оқшом чоғлари ҳам одамлар билан гавжум бўлади.

– Ушбу лойиҳани қурилиш учун кредит ажратган банк билан ҳамкорликда амалга оширдик, – дейди ЎзА мухбирига Ш.Маҳмудов. – Илгари бу ердан трамвай йўли ўтганди, кейин эса узоқ вақт фойдаланилмай ётди. Мен учун бу шунчаки инсон саломатлиги йўлида инвестиция сарфлаш эмас, балки эзгу орзуимнинг рўёбга чиқиши ҳамдир.

Бир гектарлик майдонни кўздан кечирган киши бу ердаги саранжом-саришталикни кўриб қувонади, тинчлик ва хавфсизлик таъминланганига гувоҳ бўлади. Бу спорт зонасида ишлаш учун қабул қилинган ходимлар меҳнати самарасидир.

Яқин атрофда жойлашган маҳаллалар ва кўп қаватли уйларда яшовчилар ҳам энди бу ерда мириқиб дам олмоқда. Айримлар яшил майсазор бўйидаги ўриндиқларда шунчаки ўтириб ҳордиқ чиқарса, кимдир футбол, теннис ўйнамоқда, ёш оналар эса фарзандлари билан хиёбонда сайр қилиб, уларда болалигидан соғлом турмуш тарзига муҳаббат уйғотмоқда.

– Спортда ўз имкониятларингга ишонч ҳосил қилиш ва уни намоён этишнинг ўзига хос завқи бор, – дейди «Чинор» маҳалласида яшовчи Абдужаббор Абдуғаффоров. – Машғулотлар пайтида бундан олдин бажара олмаган машқларнинг уддасидан чиқиш кишини қувонтиради. Айниқса, турли мусобақалар кишини ўзига жалб қилади. Кечқурунлари, ўқув юртларидаги дарслардан кейин бу ерда ёшлар билан футбол ўйнаймиз. Баъзида бизга қўшни даҳалардан келган болалар ҳам қўшилади. Шунда ўйин янада қизиқарли бўлади.

Қўшни ҳудудда яна бир спорт-соғломлаштириш мажмуи ишга туширилди. У ҳам ҳар доим одамлар билан гавжум. Яқин вақт ичида яна бир неча спорт мажмуалари фойдаланишга топширилади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда одамлар, айниқса ёшлар ўртасида фаол ва соғлом турмуш тарзи оммалашиб бораётгани, спорт иншоотларининг моддий-техник базаси такомиллашаётганидан далолатдир.

**М.МАМЕТОВА**

## Спорт янгиликлари

# ҲАМЮРТИМИЗ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

***Германиянинг Дрезден шаҳрида самбо кураши бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури болалар ва ўсмирлар ўртасида жадаллик билан ривожланаётганлигини яна бир карра исботлади.***

Олтинчи марта ташкил этилган мазкур турнирда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Испания, Чехия, Германия, Франция, Руминия, Голландия, Австрия, Словения ва Россиядан келган 212 нафар самбо сирларини ўрганаётган ўсмирлар ғолиблик учун ўзаро беллашдилар.

Қувонарлиси, турнирнинг 50 килограммгача вазнли спортчилар ўртасида уюштирилган баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Александр Мохов барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва олтин медаль соҳибига айланди.

***Спортнинг трамполин тури бўйича таниқли спортчи, Пекинда уюштирилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори, бир неча марта Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирларнинг кўп марта ғолиби, жаҳон Кубоги баҳсларида ўттиздан ортиқ олтин, кумуш, бронза медаллари совриндори Екатерина Хилко Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида уюштириладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида яна юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.***

# ОЛИМПИАДАГА ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА

Гап шундаки, Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан маълум қилинишича, ёзда ўтадиган XXX Олимпиада ўйинларининг трамполин мусобақаларида қатнашиши учун Ўзбекистон терма жамоасига битта ўрин ажратилган. Ўзбекистон Гимнастика федерацияси Олимпиада ўйинларида мамлакатимизнинг трамполин бўйича биринчи рақамли спортчиси Екатерина Хилко иштирок этишини маълум қилди.

Ажабмас, Сидней, Афина ва Пекин Олимпиадалари иштирокчиси Екатерина бу сафар Лондондан олтин медаль билан қайтса.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### *ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ*

**Баъзилар табиатан меҳрсиз бўлади – уларнинг ҳатто туғишганлари билан ҳам иши йўқ.**

* * *

**Ўқимайдиган кишига китоб ҳадя қилиш пулни кўчага отиш билан баробар.**

* * *

**Баъзилар тасодифдан ҳам қонуният излайди.**

* * *

**Шошилмасанг, тўғри қарор қабул қиласан.**

* * *

**Ўзи ишламаган бошқаларни гап қилади.**

* * *

**Ким қўлидан келганини қилади, Ким кўнглига келганини.**

* * *

**Бекорчининг иши бошқаларга халақит бериш.**

* * *

**Имконият осмондан тушмайди – уни яратиш, излаб топиш керак.**

* * *

**Ҳамма ҳам нимага қодирлигини намоён этолмайди.**

* * *

**Бу дунёда энг оғири одамлар билан муросаю мадорада яшаш.**

* * *

**Биз кўпинча бошқаларга тенглашаман деб ўзимизни қийнаб қўямиз.**

* * *

**Иззатталаб ўз обрўсини ўзи тўкади.**

* * *

**Хотиржамлик – энг улуғ неъмат.**

* * *

**Бировники буюрмас.**

* * *

**Текин алдаб қўяди.**

* * *

**Умрида фикрлаб кўрмаган фикрлаш азобини қайдан билсин.**

* * *

**Ҳаётдан рози одам хуш-хурсанд яшайди.**

* * *

**Баъзиларнинг ўз ҳаёти йўқ.**

* * *

**Кайфиятинг ёмон бўлса, ишламай чарчайсан.**

* * *

**Бировнинг йўлига ғов бўлганнинг ўзини йўлдан оладилар.**

* * *

**Пасткашнинг ҳурмати бўлмайди.**

* * *

**Борига шукр қилмаган боридан ҳам ажралади.**

* * *

**Ҳаммага аталган кун бор – фақат унга ким етади, ким йўқ.**

* * *

**Нодон ҳеч қачон феълини ўзгартиришга уринмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, таг-миқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **3 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9483 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5